Қўявер, мен уларни таҳоратли ҳолда кийганман

Муғийра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдим. У зотнинг маҳсиларини ечмоқчи бўлиб, қўлимни узатган эдим: «Қўявер, мен уларни таҳоратли ҳолда кийганман», – деб у иккаласига масҳ тортдилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарларидан бирида таҳорат олдилар. Оёқ ювишга етганда Муғира ибн Шуъба разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқларидаги маҳсини ечиб уларни ювишлари учун қўлларини чўздилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уларни ечманг, мен маҳсини таҳоратли ҳолимда кийганман», – дедилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқларини ювиш ўрнига маҳсининг устига масҳ тортдилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3014